

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 3 » ИЮЛЬ 2019 у.

№ 555

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизматининг
фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Мамлакатимизда шахс, жамият ва давлатга тегишли объектларни ҳамда мол-мулкларни ишончли кўриқлашни такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизматининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Кўриқлаш бош бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси таркибига ўтказилгани;

давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни кўриқлашни ташкил этиш, шунингдек, давлат кўриқлаш ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси зиммасига юклатилгани;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар, шунингдек, бюджет ташкилотлари ўз объектларида рухсат бериш режимини ва мол-мулкларини кўриқлашни таъминлашда – шартнома асосида фақат Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг хизматидан фойдаланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни шартнома асосида кўриқлашни ташкил этиш;

давлат кўриқлаш ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш, кўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувларини ўтказиш, идоравий кўриқлаш бўлинмалари объектларида ички режим ва рухсат бериш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш;

кўриқланаётган объектларда ички режим, рухсат бериш режимлари ва мол-мулкни кўриқлашни, жамоат тартибини сақлашни ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга кўмаклашишни таъминлаш;

кўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш, кўриқлаш воситалари ва тизимларини

қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича самарали назоратни амалга ошириш;

аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизматидан фойдаланишга бўлган қизиқишини оширишга қаратилган ахборот-тушунтириш мазмунидаги тарғибот-ташвиқот чора-тадбирларини амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

б) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан кўрсатиладиган қўриқлаш хизматларининг тарифлари (нархлари):

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари учун – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади;

бошқа ташкилотлар учун – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони томонидан мустақил белгиланади.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати ҳақидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси ҳақидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқланадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар, шунингдек, бюджет ташкилотлари раҳбарлари уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмаларининг рухсат бериш ва объект ички режимларини таъминлаш ҳамда мулкни қўриқлаш бўйича вазифаларни самарали амалга ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Б.Х. Ташматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 3 июлдаги 555-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг кўриқлаш хизмати ҳақида НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш бўлинмаларининг (кейинги ўринларда кўриқлаш хизмати деб аталади) ташкилий тузилиши, вазифалари, мажбуриятлари ва ҳуқуқларини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

кўриқлаш хизмати – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг (кейинги ўринларда Миллий гвардия деб аталади) давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни шартнома асосида кўриқлашни ташкил этувчи таркибий бўлинмалари тизими;

идоравий кўриқлаш – республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларида объектлар ва мол-мулкни ҳуқуққа зид тажовузлардан кўриқлаш, ҳимоя қилиш бўйича махсус вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган, юридик шахс бўлмаган таркибий бўлинма;

кўриқланаётган объект – шартнома асосида кўриққа олиниб, ҳуқуққа зид тажовузлардан кўриқланиши ва ҳимоя қилиниши керак бўлган хоналар, бинолар, иморатлар, иншоотлар, уларга туташ худудлар ва акваториялар, жисмоний шахслар, транспорт воситалари, шунингдек, юклар, хусусан ташиш жараёнидаги юклар, пул воситалари ва бошқа мол-мулклар;

кўриқлаш хизмати ходими – Миллий гвардия кўриқлаш хизматининг шаҳодатланган, ҳуқуқий мақоми бўйича ички ишлар органлари ходимига тенглаштирилган, махсус унвонга, белгиланган намунадаги формали кийим-бошга, шунингдек, хизмат вазифасини бажариш вақтида қонунчиликда ўрнатилган тартибда жисмоний куч, ўқотар қурол ва махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган ходим;

наряд – объект ёки унинг бир қисми кўриқланишини таъминлайдиган, моддий-товар бойликларни кузатиб бораётган, кўриқланаётган объектлардан тушган “ташвиш” хабарига тезкор таъсир кўрсатиш борасидаги тадбирларни амалга оширадиган кўриқлаш хизмати ходими (ходимлари);

объект ички режими – кўриқланадиган объектда белгиланган ички тартиб ва ёнғин хавфсизлиги қондалари ҳамда тадбирларини амалга ошириш тартиби;

рухсат бериш режими – кўриқланадиган объектда шахслар, транспорт воситаларининг кириши (чиқиши), кўриқланадиган объектларга мол-мулкни олиб кириш ва ундан олиб чиқишни назорат қилиш, назоратсиз кириб-чиқишнинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг белгиланган тартиби;

назорат текшируви – кўриқлаш хизматининг давлат, хўжалик субъектларига объектлар хавфсизлиги ва кўриқлаш тизимини ташкил этиш йўналишида амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек эҳтимоли мавжуд ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, идоравий кўриқлаш бўлинмалари фаолиятини ўрганиш, ушбу соҳаларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва такомиллаштириш борасидаги фаолияти.

3. Қўриқлаш хизмати қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб аталади);

Тошкент шаҳрида жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари объектларини кўриқлаш бўйича алоҳида батальон;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар кўриқлаш бошқармалари (кейинги ўринларда кўриқлаш бошқармалари деб аталади);

кўриқлаш саф бўлинмалари (алоҳида батальонлар, отрядлар, шу жумладан команда ва гуруҳлар);

“Qo‘riqlash Servis” давлат унитар корхонаси.

4. Қўриқлаш хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг буйруқлари, фармойишлари ва директивалари ҳамда ушбу Низом асосида ташкил этади.

5. Қўриқлаш хизмати бўлинмалари ишчи ва хизматчиларининг фаолиятини ташкил этиш ва меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ белгиланади.

6. Қўриқлаш хизмати нарядларининг ички тартиби, саф тайёргарлиги ва қоровул тартибида хизматни ўташи Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари умумҳарбий уставларига мувофиқ ва Миллий гвардиянинг буйруқларига асосан ташкил этилади.

2-боб. Қўриқлаш хизматининг асосий вазифалари ва унинг фаолиятини ташкил этиш

7. Қўриқлаш хизмати ўз фаолиятини жисмоний ва юридик шахсларга кўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартномалар асосида ташкил этади ҳамда ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тамойили асосида амалга оширади.

8. Қўриқлаш хизмати саф, ҳарбийлаштирилган ва қоровуллик бўлинмалари нарядлари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, техник кўриқлаш воситалари орқали кўрсатилади.

9. Қўриқлаш хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

шартнома асосида давлат, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкларини кўриқлашни таъминлаш;

транспорт орқали транзит юклар, моддий бойликлар, портловчи, радиоактив ва бошқа воситаларни кўриқлаш (кузатиш);

идоравий кўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувларини ўтказиш;

кўриқланаётган объектларда уларнинг ички ва рухсат бериш режимига риоя этилишини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга кўмаклашиш;

кўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш, кўриқлаш воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни, улардан фойдаланиш бўйича самарали назоратни таъминлаш;

аҳолининг Миллий гвардия кўриқлаш хизматларидан фойдаланишга бўлган қизиқишини оширишга қаратилган ахборот-тушунтириш мазмунидаги тарғибот-ташвиқот чора-тадбирларини амалга ошириш;

шартнома асосида жамоат тартибini сақлаш ва жамоат тартибini таъминлашда иштирок этиш;

шартнома асосида кўриқланаётган объектларда ўрнатилган техник кўриқлаш воситаларига хизмат кўрсатиш, уларни ўрнатиш (созлаш) ва улардан фойдаланиш.

10. Кўриқлаш хизмати кўрсатишни таъминлаш учун кўриқлаш бўлинмаларига штат бирликларини киритиш меъёри шартномаларда кўрсатилган кўриқлаш вақти ва постлар (йўналиш) сонини ҳисобга олган ҳолда, Миллий гвардия кўмондони томонидан белгиланади.

11. Кўриқлаш хизмати саф бўлинмаларида кўмондонлик таркиби ва таъминот хизмати штат бирликлари сони, кўриқлаш хизмати кўрсатиш учун тузилган шартномаларга мувофиқ киритилган штат бирликлари умумий сонининг йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

12. Кўриқлаш бўлинмалари бошқарув аппаратлари штатлари сони, кўриқлаш хизмати кўрсатиш учун тузилган шартномаларга мувофиқ киритилган штат бирликлари умумий сонининг тўрт фоизи миқдорида белгиланади.

13. Кўриқлаш хизматини кўрсатиш фаолиятидан келиб тушган маблағлар, мақсадли равишда – фақат кўриқлаш хизматини таъминлаш ва ривожлантириш, шунингдек, Миллий гвардия бўлинмаларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш учун сарфланади.

Кўриқлаш хизмати кўрсатишдан келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан кўриқлаш хизматининг ташкилий тузилмасига кирмайдиган штатларни жорий этиш тақиқланади.

14. Кўриқлаш хизмати бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг тарифлари (нархи) Бош бошқарма томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, бошқа ташкилотлар учун – Миллий гвардия кўмондони томонидан мустақил тарзда белгиланади.

15. Миллий гвардия кўриқлаш бўлинмаларида хизмат ўташ тартиби ва ходимларининг формали кийим-бош намуналари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Кўриқлаш хизмати ходимларига Миллий гвардия кўмондони томонидан тасдиқланган намунадаги хизмат гувоҳномаси ва жетон берилади.

16. Кўриқлаш хизмати ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг лавозимлари қонун ҳужжатларида ва Миллий гвардиянинг идоравий ҳужжатларида белгиланган тартибда жамланади.

17. Кўриқлаш хизмати ходими давлат органи вакили ҳисобланади ва давлат ҳимояси остида бўлади.

Кўриқлаш хизмати ходими хизмат вазифасини бажариш жараёнида фақат бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиғига (командирига) ва масъул навбатчига бўйсунди. Фақат ушбу шахслар уни наряддан озод қилиш ёки алмаштириш ҳуқуқига эга.

Қонунда тўғридан-тўғри ваколат берилган шахслардан ташқари ҳеч ким кўриқлаш хизмати ходимининг қонуний фаолиятига аралashiш, қонун ҳужжатларига асосан кўриқлаш хизмати зиммасига юклатилмаган вазифаларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас.

18. Кўриқлаш постида хизмат ўтаётган ходим (патруль) қонунга зид бўлган буйруқ ёки фармойиш олганда, уни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга ва белгиланган тартибда бу ҳақда бошлиғига (командирига) ахборот бериши шарт.

19. Кўриқлаш хизмати шахсий таркибидан фақат кўриқлаш фаолияти билан боғлиқ вазифаларни бажариш мақсадида шартнома асосида фойдаланилади.

20. Кўриқлаш бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари билан тасдиқланган рўйхатга киритилган объектлар ҳамда ихтиёрий равишда мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки, объектлари шартномага асосан кўриқланади.

21. Объектнинг кўриқлаш тизими объектлар маъмурияти ва кўриқлаш хизмати вакилларининг ҳамкорлигида белгиланади. Бунда объектнинг жойлашуви ва фаолиятининг хусусияти, муҳандислик-техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозланганлик даражаси, назорат-ўтказиш пунктларининг турлари, сони, ҳудуддаги криминоген вазият ва бошқа ҳолатлар эътиборга олинади ҳамда нарядлар билан кўриқлаш усуллари, постлар (йўналишлар) сони, уларнинг жойлашуви, кўриқлаш вақти, шунингдек, хавфсизликнинг техник воситаларини қўллаш орқали кўриқлаш тизимини такомиллаштириш кўзда тутилади.

22. Объектни кўриқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

стационар (айланма) постлар орқали;

маълум йўналиш (чегара) бўйлаб ва назорат-кўриқлаш гуруҳлари орқали патруллик қилиш;

моддий бойликларни кўриқлаш нарядлари билан кўриқлаш-кузатиш;

кўриқланаётган объектдан тушаётган «ташвиш» хабарига тезкор таъсир чора кўриш;

қўзғалувчан объектларни техник воситалар орқали кўриқлаш.

23. Кўриқлаш бўлинмаларида хизматни ўташ масалаларининг тегишли қонун ҳужжатларида тартибга солинмаган қисмига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари тадбиқ этилади.

3-боб. Кўриқлаш хизматининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

24. Қуйидагилар Кўриқлаш хизматининг мажбуриятлари ҳисобланади:

ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкларини ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш;

мол-мулкни қонунга зид тажовузлардан ҳимоялаш;

объект маъмурияти кўриқлаш хизмати раҳбарлари билан келишган ҳолда, тасдиқлаган кириб-чиқиш йўриқномасига асосан объектда ички ва рухсат бериш режимига риоя этилишини таъминлаш;

кўриқланаётган мол-мулкнинг ўғирланиши ёки бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хўжасизлик ва бепарволикнинг ҳар қандай кўринишига ўз вақтида муносабат билдириш;

хизмат ўташ жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

қўриқланаётган объектда жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларининг сақланишини таъминлаш;

қўриқланаётган объектда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, уларни содир этишга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

қўриқланаётган объектда ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда жабрланган, шунингдек, ночор ҳолатдаги фуқароларга биринчи тиббий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш;

қўриқланадиган объектларда табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда ҳодиса ва ҳолатларнинг олдини олиш, уларни бартараф этишда иштирок этиш;

идоравий қўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувлари ўтказиш, идоравий қўриқлаш қўриқловидаги объектда ички режим, рухсат бериш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

ишониб топширилган табел қуроллари, махсус ва техник воситалар, шахсий ҳимоя воситалари, хизмат кийим-бошлари, мол-мулкни эҳтиёт қилиш ва уларнинг соз ҳолда сақланишини таъминлаш;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигини таъминлаш, шунингдек, хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-психологик ва жисмоний тайёргарлик бўйича тегишли дастурларда белгиланган машғулотларни шахсий таркиб билан ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш;

замонавий хавфсизлик техника воситаларини ишлаб чиқиш, қўриқланаётган объектларга жорий этиш ва ўзлаштириш фаолиятини ташкил этиш, объектларни эҳтимоли мавжуд бўлган ҳуқуқбузарликлардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш учун уларнинг мониторингини олиб бориш;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, қўнимсизлигининг олдини олишни ва уларнинг касбий тайёргарлиги, хизмат интизомига риоя этишини ташкил этиш, белгиланган тартибда ходимларни қайта тайёрлаш ва малака оширишга юбориш;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларида белгиланган тартибда сафарбарлик тайёргарлигини ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқлаш хизматини кўрсатиш соҳасига илм-фан ютуқлари ва замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини мунтазам равишда жорий этиб бориш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш.

Қўриқлаш хизмати зиммасига қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

25. Қўриқлаш хизмати ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қўриқланаётган объектлар мансабдор шахслари, ишчи-хизматчилари ва объект ҳудудидаги бошқа шахслардан ўрнатилган рухсат бериш ва объект ички режимига риоя қилишни ҳамда жамоат тартибини сақлашни талаб қилиш;

қўриқланаётган объектлардаги мол-мулкни сақлаш шарт-шароитлари, муҳандислик-техник воситалари ҳолатини текшириш;

қўриқланаётган объект маъмурияти, мансабдор шахсидан объектни муҳандислик-техник мустаҳкамлигини таъминлаш, сигнализация тизимлари ва видеокузатув билан жиҳозлашни талаб этиш;

давлат органлари, бошқа ташкилотлар ёки мансабдор шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган, қўриқлаш фаолиятини ташкил этиш, муҳандислик-

техник мустаҳкамлик, шунингдек, рухсат бериш ва объект ички режимидаги камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш борасидаги тақдимномалар киритиш;

қўриқланаётган объектдан мол-мулк, моддий бойликлар ва турли юкларни ноқонуний олиб чиқишга ёки олиб киришга уринаётган шахсларни ушлаш;

қўриқланаётган объектларга ноқонуний кирганлар ёки қонунбузарлик қилганларнинг шахсини аниқлаш ва маъмурий баённома тузиш мақсадида ушлаш ва қўриқлаш хизмат хоналарига олиб келиш, ушлаб туриш, зарур ҳолларда эса уларни тегишли қарор қабул қилиш учун ҳудудий ички ишлар органларига топшириш;

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ қўриқлаш пости ҳудудида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш, агар уларда қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ёки заҳарли моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар, қўриқланаётган объект ҳудудига олиб кирилиши ва ундан олиб чиқиб кетилиши тақиқланган ашёлар, буюмлар, воситалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлса, фуқароларни шахсий қўриқдан ўтказиш, уларнинг ашёларини, қўл юқини, бағажини қўриқдан ўтказишни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб қўйиш, транспорт воситаларини қўздан кечириш ва ташиб ўтилаётган юкларнинг товар-транспорт ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлаш;

ўз ваколати доирасида қўриқлаш хизматига оид масалалар бўйича фуқаролар, мансабдор шахслардан тушунтиришлар, маълумотлар ва ҳужжатлар олиш;

содир этилаётган жиноятларни тўхтатиш, шунингдек, уларни содир этган шахсларни таъқиб этиш ва ушлаш, бир вақтнинг ўзида бир неча объектда “ташвиш” сигнализацияси ишлаб кетган ҳолларда ички ишлар органлари ва патруль гуруҳларини чақириш;

фуқаролар ва мансабдор шахслардан хизмат вазифалари бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқбузарликлар ва хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш, ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни қўллаш;

қўриқланаётган объектлар назорат-ўтказиш жойлари ва ҳудудларида ноқонуний олиб чиқиладиган (кириладиган) мол-мулкни аниқлаш ва олиб қўйиш, шунингдек, ғайриқонуний ҳаракатларни аниқлаш учун фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, текшириладиган мол-мулк ва атроф-муҳитга зиён етказмайдиган замонавий техник воситалардан фойдаланиш;

қўриқланадиган объектларга ғайриқонуний равишда кирган ёки киришга уринган шахсларни аниқлаш, бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда хизмат итларидан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга кўмаклашиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар ва белгиланган тартибга мувофиқ жисмоний куч ишлатиш, хизмат итларини қўллаш, ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш ва улардан фойдаланиш;

идоравий кўриқлаш ташкилотларининг қурол ва махсус воситаларини қўллаш билан боғлиқ ҳаракатларга яроқлилигини мунтазам текшириш;

идоравий кўриқлаш ташкилотларида қуроллар ва махсус воситаларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш жойларини режали равишда ўрганиш;

ўз ваколати доирасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;

давлат кўриқлаш ташкилотларидан ваколатига кирадиган масалалар юзасидан ёзма ва оғзаки ахборотларни талаб қилиб олиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ва Миллий гвардия кўмондонининг қўшма қарорлари асосида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини амалга оширишда иштирок этиш;

жамоат хавфсизлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани кўриқлашни тўлақонли таъминлаш учун ҳудудларда патрулликни ташкил этиш билан боғлиқ ҳолда видеокузатув ва техник воситаларнинг бутун комплексидан фойдаланиш.

Кўриқлаш хизмати қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

26. Кўриқлаш хизмати мансабдор шахсларга объектларнинг муҳандислик-техник мустаҳкамлигидаги камчиликларни бартараф этиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шартномавий мажбуриятларни бажаришга, моддий бойликлар сақланишини таъминлаш ва кўриқлаш хизмати ходимлари, ишчи-хизматчиларининг меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга. Белгиланган тартибда расмий огоҳлантириш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга огоҳлантириш хати киритади.

27. Кўриқлаш хизмати ходими махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитларда уларнинг ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун Кўриқлаш бош бошқармаси томонидан йилига икки мартаба текширувдан ўтадилар.

28. Кўриқлаш хизмати ходими хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ўзига бириктирилган ўқотар қурол ва махсус воситаларни олиб юриш, сақлаш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни, ўқотар қуролни, хизмат итларини қўллаш ҳуқуқига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга бўлади.

29. Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундай огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва кўриқлаш хизмати ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

30. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўллаш юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда кўриқлаш хизмати ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

31. Кўриқлаш хизмати ходими, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар

вужудга келиши мумкин деб ҳисобласа, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлаш ҳамда уларни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

32. Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек, имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши керак.

Жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида қўриқлаш хизмати ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек, ўқотар қурол қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида қўриқлаш хизмати раҳбари (бошлиқ ёки командир) прокурорга дарҳол хабар беради.

33. Ходимнинг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиққанлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш қонунда белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, қўриқлаш хизмати ходими жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Агар қўриқлаш хизмати ходими томонидан жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, қўриқлаш хизмати ходими ҳодиса жойини ўзгаришсиз ҳолатда сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

34. Қўриқлаш хизмати ходимининг хизмат мажбуриятларини бажариши деганда қуйидагилар тушунилади:

лавозим мажбуриятларини бажариш ва жанговар ҳаракатларда иштирок этиш;

хизматни (жанговар хизматни) ўташ;

хизмат сафарида ёки даволанишда бўлиш;

кун тартибида белгиланган хизмат вақти давомида ёки хизмат зарурати туфайли қўриқлаш бўлинмалари (қўриқланаётган объект) ҳудудида бўлиш;

хизмат, даволаниш жойига бориш ёки улардан қайтиш;

йиғинларда (ҳарбий йиғинларда) иштирок этиш;

асирликда бўлиш (ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари бундан мустасно), гаровга олинган ёки ушлаб қуролсизлантирилган ҳолатда бўлиш;

бедарак кетиш – ходим қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилгунига ёки вафот этган деб эълон қилингунига қадар;

шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ҳаракатлар;

қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда бошқа шахсларга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиш;

суд томонидан ходимнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топилган бошқа ҳаракатлари.

4-боб. Қўриқлаш хизмати нарядларининг фаолиятини ташкил этиш

35. Қўриқлаш хизмати нарядларининг хизмати саккиз соатлик ёки ўн икки соатлик сменалар асосида ташкил этилади.

Объектнинг жойлашуви, унинг ва хизмат ўташнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, нарядларнинг хизмати суткалик ва вахта усулида ташкил этилиши мумкин.

Нарядлар хизмати 24 соатлик сменалар асосида ташкил этилганда, наряд аъзоларининг ҳар бирига навбатма-навбат овқатланиш ва қисқа муддатли дам олиш учун уч сменалик режимда саккиз соат, тўрт сменалик режимда олти соат вақт ажратилади. Ушбу вақт иш вақтига киритилмайди.

36. Вахтанинг давомийлиги етти суткагача белгиланади ва бунда хизмат қоровуллик тартибида ташкил этилади. Қоровуллик тартиби ташкил этилганда, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизмати тўғрисидаги уставда белгиланган тартибга амал қилинади.

Вахта усулида хизмат ташкил этилганда, ходимларнинг дам олиши, овқатланиши, ювиниши ва улар билан ўқув машғулотларини ўтказиш, уларнинг табель қуролларини сақлаш бўйича тегишли шарт-шароитлар яратилган бўлиши шарт.

37. Объектларни қўриқлаш учун постлар, йўналишларни қўйиш қоидалари ва шартлари, шунингдек, уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш Миллий гвардиянинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан белгиланади.

38. Ўта муҳим ва тоифаланган объектларда нарядлар хизматини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

39. Прокуратура органлари, судлар, Марказий банк ва тижорат банклари, давлат, ижтимоий аҳамиятга эга бошқа объектларни қўриқлаш бўйича қўриқлаш нарядлари хизматини ташкил этиш шартлари Миллий гвардиянинг тегишли органлар, ташкилотлар билан ҳамкорликдаги қўшма қарорларига асосан тартибга солинади.

40. Техник қўриқлаш томонидан кўрсатилаётган хизматнинг ҳаммабплигини таъминлаш мақсадида объектлар алоҳида гуруҳларга (ижтимоий аҳамияти, сақланаётган моддий-товар бойликлар миқдори, сони ва бошқаларга асосан) таснифланади. Қўриқлаш бўлинмаларига амалдаги тарифларни фоиз ҳисобида камайтирган ҳолда хизмат кўрсатишга рухсат этилади. Объектларни гуруҳларга таснифлаш тартиби Бош бошқарма томонидан белгиланади.

41. Қўриқлаш хизмати ходимлари ва бўлинмаларининг фаолияти қуйидаги асосий нормативлар ва мезонлар билан баҳоланади:

нарядларнинг объектларни қўриқлаш бўйича фаолияти самарадорлиги ва жисмоний, юридик шахсларга кўрсатилаётган хизмат сифати (ўғрилиқ ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш), шартномавий мажбуриятларга риоя этилиши;

замонавий қўриқлаш ахборот-коммуникация технологик тизими (воситалари)ни жорий этиш ва кўрсатилаётган техник хизматнинг сифати;

кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш, кўриқланаётган объект ва фуқаролар хонадонлари сонининг ошиши;

идоравий кўриқлаш бўлинмаларининг назорат текширувини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, уларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, аниқланган камчилик ва хатоларни аниқ бартараф этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан хавфсизлик, видеокузатув воситаларини ўрнатиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ҳамкорлик қилиш ҳолати;

бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлик ҳолати, ўқув машқлари ва машғулотларининг сифати;

шахсий таркибнинг касбий тайёргарлиги сифати ва ахлоқий-руҳий ҳолати, бўлинмаларда интизом ва қонунийликка риоя этилиши даражаси.

5-боб. Идоравий кўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувларини ўтказиш ва мувофиқлаштириш

42. Назорат текширувлари кўриқлаш хизмати томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини таъминлашда ягона сиёсат юритилишини таъминлаш ҳамда идоравий кўриқлаш бўлинмалари томонидан кўриқланаётган объектларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

43. Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар объектларининг (Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, уларга бўйсунувчи юридик шахслар ва улар томонидан кўриқланадиган объектлар бундан мустасно) назорат текшируви режа асосида, ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббуси билан, шартнома асосида, уларга тегишли объектларда ҳам назорат текширувлари ўтказилишига йўл қўйилади.

44. Назорат текширувида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ёнғин хавфсизлиги хизмати ва ҳудудий профилактика инспекторлари иштирок этади ҳамда ички ишлар органларининг манфаатдор хизматлари вакиллари ва бошқа мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

45. Назорат текшируви объектни кўриқлаш бўлинмаси раҳбарлари ва объект маъмурияти вакиллари иштирокида амалга оширилади.

46. Назорат текшируви жараёнида куйидагилар ўрганилади ва мувофиқлаштирилади:

идоравий кўриқлашнинг ташкил этилганлик ҳолати, кўриқлаш штат бирликларининг жамланганлиги, кўриқлаш ходимларининг хизмат ва жанговар тайёргарлиги, улар билан ўқув машғулотларининг ўтказилиши, постлар сони, хусусияти, уларнинг ёпилиши; хизмат ўташ тартиби, пост ҳужжатларининг юритилиши (пост жойлашуви, хизмат вазифалари, иш жадваллари, йўриқнома,

хизматга тарқатиш китоби ва ҳ.к.), ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, хизмат ўталишининг текширилиши;

объектнинг кўриқлаш-ёнғин сигнализацияси ва видеокузатув тизимлари ҳолати, уларнинг белгиланган меъёрларга мослиги, объектнинг муҳандислик-техник воситалар билан жиҳозланганлиги, турникетлар мавжудлиги, эшиклар, деразалар, деворлар, тўсиқлар, ёритиш тизимининг ҳолати ва ҳ.к.;

идоравий кўриқлаш ходимлари учун яратилган шарт-шароитлар, хизмат, текширув хоналарининг жиҳозланиши, телефон ва бошқа алоқа воситаларининг мавжудлиги, ходимларнинг хизмат кийим-бош билан таъминланганлиги;

мавжуд махсус воситалар, қурол-аслаҳаларга рухсатномаларнинг мавжудлиги, уларнинг ҳолати, ҳисоб-китоби, сақланиши аҳволи;

объектда ички режим ва рухсат бериш режими ўрнатилганлиги, унинг тартибини белгиловчи ҳужатларнинг мавжудлиги, рухсатнома тизимининг мавжудлиги ва унга амал қилиниши;

объект ишчи-хизматчилари ва объект атрофида яшовчи фуқаролар билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган профилактик тадбирлар ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир олиб борилаётган ишлар;

идоравий кўриқлаш ходимларининг йил мобайнида белгиланган дастурларга мувофиқ жанговар хизмат, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-психологик ва жисмоний тайёргарлик курсларидан ўтиши;

хизмат фаолиятида хизмат итларидан фойдаланиш, хизмат итларининг ҳолати ва уларни объект кўриғига қўйиш тартиби.

Идоравий кўриқлаш бўлинмалари фаолиятини назорат текшируви ва мувофиқлаштириш жараёнида объектнинг кўриқловини ташкил этиш, хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа масалалар ҳам ўрганилади.

47. Назорат текшируви натижалари бўйича далолатнома тузилиб, иштирок этган вакиллар томонидан имзоланади. Далолатномада объектнинг кўриқлаш-хавфсизлик тизимида аниқланган камчиликлар кўрсатилиб, уларни батараф этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ифодаланади, бунинг учун аниқ муддатлар белгиланади.

48. Объект маъмурияти кўриқлаш хизмати билан ҳамкорликда аниқланган камчиликларни батараф этиш, тегишли объектларнинг ички ва рухсат бериш режими, кўриқлаш тизимини такомиллаштириш бўйича режа (дастур) ишлаб чиқади. Камчиликларни батараф этиш ва кўриқлаш тизимини такомиллаштириш бўйича белгиланган муддатларда маълумот беради.

Кўриқлаш хизмати камчиликларни батараф этиш, тегишли объектларнинг ички ва рухсат бериш режими, кўриқлаш тизимини такомиллаштириш бўйича режа (дастур) ижросини мувофиқлаштиради ва белгиланган муддатдан сўнг назорат тариқасида текширув ташкил этади.

49. Ўтказилган назорат текширувлари натижалари Бош бошқарма томонидан умуллаштирилиб, текширув ўтказилган вазирлик, идора ва ташкилотларга тегишли тавсиялар билан биргаликда умумлаштирилган маълумотлар тақдим этилади.

50. Назорат текширувини режалаштириш, ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмондони буйруғи билан белгиланади.

6-боб. Қўриқлаш хизматининг молиявий, моддий-техник таъминоти, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси

51. Қўриқлаш хизмати ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига Миллий гвардиянинг тиббий муассасалари, шунингдек, қўриқланаётган объектларнинг поликлиникалари, касалхоналари, санаторийлари, дам олиш уйлари, болалар боғчалари томонидан хизмат кўрсатилади.

52. Қўриқлаш хизмати ходимларининг пул таъминоти Миллий гвардия ходимларига ўрнатилган тартиб бўйича амалга оширилади.

53. Уй-жой олишга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топилган қўриқлаш хизмати ходимлари белгиланган тартибда уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга.

Қўриқлаш хизмати ўзининг уй-жой фондига эга бўлади.

54. Қўриқлаш хизмати ходимларига хизматни ўташ даври давомида қуйидагилар ҳисобидан уй-жой берилиши мумкин:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобидан;

объектлари ва мол-мулки қўриқланаётган ташкилотлар томонидан уларнинг ходимлари ва хизматчилари билан умумий асосларда;

Миллий гвардия ҳисобидан;

қўриқлаш хизматининг ўз маблағларига қурилган уй-жой фонди ҳисобидан.

Ётоқхонага эга бўлган ташкилотлар шартнома асосида улардан қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларига турар жой берадилар.

55. Қўриқлаш хизмати ўз маблағлари ҳисобига хизмат биноларини лойиҳалаштириши ва қуриши ҳамда хизмат биноларини қуришда улуш ҳисобида иштирок этиши мумкин.

56. Қўриқлаш хизмати махсус ёруғлик сигналларига ва товушли сигналларга, бўёқли рангли графика схемасига эга махсус автотранспорт воситалари билан таъминланади.

57. Қўриқлаш хизматига моддий-техника воситалари, қуроллар ва автотранспортни сақлаш учун хизмат хоналари қўриқланаётган объектларнинг ташкилотлари, корхоналари, муассасалари томонидан ажратилади.

58. Меҳнат шароитлари соғлиқ учун зарарли бўлган объектларда хизмат қилувчи қўриқлаш хизмати ходимлари шу объектларнинг ишчи ва хизматчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва қулайликлардан фойдаланадилар.

59. Қўриқлаш хизмати ходимлари бепул формали кийим-бош билан таъминланади. Ашёвий таъминот нормалари, шунингдек, формали кийим-бошни кийиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони томонидан белгиланади.

7-боб. Қўриқлаш хизмати ходимларининг жавобгарлиги

60. Қўриқлаш хизмати ходими ғайриқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек, хизмат вазифасини тўлақонли равишда бажармагани учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Қўриқлаш хизмати ходими хизмат интизомини ва ички тартибни бузганлиги учун Интизом низомига асосан интизомий жавобгарликка тортилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 3 июлдаги 555-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Кўриқлаш бош бошқармаси ҳақида НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Кўриқлаш бош бошқармаси (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб аталади) ўз ваколати доирасида давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани шартнома асосида кўриқлашга доир Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг (кейинги ўринларда Миллий гвардия деб аталади) вазифа ва функцияларини, шунингдек, давлат органлари, идоравий кўриқлаш ташкилотлари томонидан кўриқлаш фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширилиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширадиган Миллий гвардиянинг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Миллий гвардия қўмондонининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

3. Бош бошқарма бевосита Тошкент шаҳрида жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари объектларини кўриқлаш бўйича алоҳида батальони, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар кўриқлаш бошқармалари, техник кўриқлаш воситалари мониторинг ва назорат марказлари, шаҳар-туманлар кўриқлаш батальон-отрядлари ва “Qo‘riqlash Servis” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда кўриқлаш хизмати бўлинмалари деб аталади) фаолиятини ташкил этади, бошқаради ва назорат қилади.

4. Бош бошқарма таркибида шартнома асосида кўриқлаш хизматидан тушган маблағлар ҳисобидан бошқарма, бўлим, бўлинма ва гуруҳлар, шунингдек, кўриқлаш фаолияти соҳасида кўптармоқли режалаштириш ва тадқиқотлар бўйича илмий марказлар, кенгашлар ва лабораториялар ташкил этилиши мумкин.

5. Миллий гвардия қўмондони Бош бошқарманинг тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

6. Бош бошқарма ва унинг тизимига кирувчи кўриқлаш бўлинмалари шахсий таркиби – хизмат ўташ тартиби ва ҳуқуқий мақомига кўра ички ишлар органлари ходимларига тенглаштириладиган (махсус унвон бериладиган) ходимлардан, шунингдек, меҳнат муносабатлари меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ишчи ва хизматчилардан иборат бўлади.

7. Бош бошқарма юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида ўзининг номи туширилган муҳрга, ўзининг мустақил балансига (сметасига), миллий ва чет эл валютасида банк ҳисобварақалари очиш, шунингдек, бўш пул маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ва улардан даромад олиш ҳуқуқига эга бўлади.

8. Бош бошқармада иш юритиш ва махфийлик тартиби бўйича тадбирлар қонун ҳужжатларида ҳамда Миллий гвардия қўмондонининг буйруқларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. Бош бошқарма ва қўриқлаш хизмати бўлинмалари ўз фаолиятини шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган қўриқлаш хизмати эвазига келиб тушадиган маблағлардан самарали фойдаланиш, ўзини маблағ билан таъминлаш, харажатларини қоплаш ва мустақил хўжалик юритиш тамойили асосида амалга оширади.

10. Бош бошқарма ва қўриқлаш хизмати бўлинмаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш, хўжалик операцияларини ҳисобга олиш (бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштириш), шунингдек, унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бош бошқарма ва қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг штатлари, харажатлар сметалари молия органларида қайд этилмайди.

11. Бош бошқарма ўзига юклатилган вазифаларни бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда Миллий гвардиянинг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бош бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

12. Қуйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Миллий гвардия қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш;

давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлашни ташкил этиш фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат қўриқлаш ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш, қўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувларини ўтказиш, идоравий қўриқлаш бўлинмалари объектларида ички режим ва рухсат бериш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш;

қўриқланаётган объектларда ички ва рухсат бериш режимлари ва мол-мулк қўриқловини таъминлаш;

қўриқланадиган объектларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш вазифасини амалга ошириш;

қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш, қўриқлаш воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни таъминлаш, улардан фойдаланиш устидан самарали назоратни амалга ошириш;

аҳолининг Миллий гвардия қўриқлаш хизматларидан фойдаланишга бўлган қизиқишини оширишга қаратилган ахборот-тушунтириш мазмунидаги тарғибот-ташвиқот чора-тадбирларини амалга ошириш;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг молиявий-хўжалик фаолиятни ташкил этиш;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг ташкилий-штат ва кадрлар ишларини амалга ошириш.

13. Юкланган вазифаларига мувофиқ Бош бошқарма қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) Миллий гвардия қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш соҳасида:

қўриқлаш хизмати бўлинмалари фаолияти бўйича статистик маълумотларни, ахборот ва бошқа материалларни умумлаштириш, таҳлил қилишни амалга оширади, қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг хизмат фаолияти масалалари бўйича маълумотлар банкни яратади;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг, назорат қилишни, бошқаришни, жорий ва истиқболли режалаштиришни амалга оширади, шартнома асосида мол-мулклар ва объектларни қўриқлаш доирасида уларга юклатилган вазифалар ечимини топишда амалий ёрдам кўрсатади;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг ягона ахборот ва коммуникация тизимини жорий этади ва тезкор ахборот алмашинувини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

ваколати доирасида қўриқлаш хизмати бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш борасида турли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

б) давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни қўриқлашни ташкил этиш фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

юридик ва жисмоний шахсларга тегишли мол-мулк, моддий бойликлар, пул ва бошқа бойликларни самарали қўриқлаш ва уларни қўриқлаш-кузатиш бўйича қўриқлаш хизмати фаолиятининг шакл ва усулларини шакллантиради ва амалиётга татбиқ этади;

объектлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкларининг қўриққа олинишини, мулкни қўриқлаш, моддий қимматликларни қўриқлаш-кузатиш билан боғлиқ пулли хизматлар кўрсатилишини ташкил этади;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари шахсий таркиби билан реал ҳолатга яқинлаштирилган шароитларда ҳаракатланиш жараёнида ҳар томонлама таъминот, бошқарув ва ҳамкорлик масалалари юзасидан қўмондонлик-штаб, махсус-тактик, тезкор-тактик машқлар, машғулотларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

юридик ва жисмоний шахсларнинг объектларини қўриқлашни таъминлаётган қўриқлаш хизмати саф бўлинмалари, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва қоровуллик бўлинмалари нарядлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш ишларини амалга оширади;

в) давлат қўриқлаш ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш, қўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувларини ўтказиш, идоравий қўриқлаш бўлинмалари объектларида ички режим ва рухсат бериш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш соҳасида:

идоравий қўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувларни, қўриқлашнинг ташкил этилиши, ходимларнинг хизмат ўташи, касбий тайёргарлиги, объектларнинг техник мустаҳкамлиги ва жиҳозланишини ўрганишни амалга оширади;

давлат қўриқлаш ташкилотлари қўриқловидаги объектларнинг ички ва рухсат бериш режимига риоя этилишига доир ишларни назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

идоравий кўриқлаш тизимини такомиллаштириш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритади;

кўриқлаш фаолиятининг бошқа турлари ташкил этилганда уларга рухсатномалар берилиши ва келишишни ташкил этади;

з) кўриқланаётган объектларда ички ва рухсат бериш режимлари ва мол-мулк кўриқловини таъминлаш соҳасида:

кўриқланаётган объектлардаги ички ва рухсат бериш режимига риоя этилишини таъминлаш бўйича кўриқлаш хизмати бўлинмалари ишларини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

Миллий гвардия ва ички ишлар органлари бўлинмалари билан ҳамкорликда ўз ваколатлари доирасида кўриқланаётган объектлар, уларнинг ҳудудларида қонунга зид тажовузлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширишни ташкил этади;

кўриқлаш бўлинмалари фаолиятига кириш-чиқишни назорат қилиш, бошқариш, мониторинг қилиш борасидаги замонавий технологияларини жорий этади;

д) кўриқланадиган объектларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш вазифасини амалга ошириш соҳасида:

кўриқланаётган объектлар ва уларга туташ ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашни ташкил этади;

кўриқланаётган объектлар ҳудудларида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг барвақт олдини олиш ва аниқлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

кўриқланаётган объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларда жамоат тартибини сақлаш бўйича Миллий гвардиянинг бўлинмалари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликни мувофиқлаштиради;

шартнома асосида дам олиш ва жамоат овқатланиш жойлари, туризм объектлари ва савдо-қўнгилочар муассасаларда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш борасидаги тадбирларда иштирок этилишини таъминлайди;

е) кўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш, кўриқлаш воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни таъминлаш, улардан фойдаланиш устидан самарали назоратни амалга ошириш соҳасида:

кўриқланаётган объектларда техник кўриқлаш воситаларидан фойдаланиш бўйича ягона техник сиёсат юритишни таъминлайди;

кўриқлаш хизмати бўлинмалари фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича самарали механизм ишлаб чиқади ва амалга оширади;

техник кўриқлаш ва ҳаракатланиш пунктларига марказлаштирилган кузатув ва маълумотларни узатишнинг автоматлаштирилган тизимларини, шунингдек, кўрсатилаётган кўриқлаш хизматлари сонини ошириш имконини берувчи мутлақо янги ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикасидаги ўта муҳим, тоифаланган объектларда техник кўриқлаш воситаларини лойиҳалаштириш, ўрнатиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун рухсатномалар берилишини амалга оширади;

“Qo‘riqlash Servis” davlat unitar korxonasi ishini tashkil etadi va nazorat qiladi;

zamonauiy xavfsizlik texnika vositalarini ishlab chiqish, uzlashtirish va kuriklanayotgan obyektlarga joriy etish faoliyatini muvofiklashtiradi, obyektlarni yuz bериши mumkin bulgan huquqqa zid harakatlardan ishonchli ximoya qiliшни taъminlash uchun ularning monitoringini amalga oshiradi;

kuriklash texnik vositalari va tizimlarining sinovi va tekshiruvini tashkil etadi, Uzbekiston Respublikasida kuriklash asbob-uskunalaridan foydalаниш borasida tavsiyalar beradi, Uzbekiston Respublikasi hududida kuriklash xizmati bulinmalari foydalанишига tavsiya etilgan kuriklash texnik vositalar ruyxatini ishlab chikadi;

kuriklash faoliyati masalalari buyicha maslahat-texnik kengashlar, amaliy uchrashuvlar, ilmiy-amaliy konferentsiyalar, seminarlar utkazadi;

axborot va kommunikatsiya texnologiyalari, sunngi ilmiy yutuqlar asosida texnik vositalarni modernizatsiya qilish, yanada takomillashtirish va kuriklash faoliyatiга joriy etish borasida tashkiliy-amaliy chora-tadbirlarni utkazadi;

ё) aholining Milliy gvardiya kuriklash xizmatlaridan foydalанишига bulgan qiziqishini oshirishga qaratilgan axborot-tushuntirish mazmunidagi tarqibot-taъmiyot chora-tadbirlarini amalga oshirish soxasida:

kuriklash xizmati faoliyatini ommauiy axborot vositalari orqali, xususan zamonauiy axborot-kommunikatsiya vositalari orqali tarqib etishni tashkil etadi va taъminlaydi;

mulkdorlar, fuqarolar etiboriga mol-mulkni jinoyiy tajovuzlardan ximoylash soxasida amalga oshirilayotgan ishlar, fuqarolar va mulk egalariга kuriklash xizmati tomonidan berilayotgan imtiyozlar haqidaги maълumotlarni muntazam ravishda etkazib boradi;

tarqibot guруxlari orqali aholining keng qatlamlari urtasida, korxona, tashkolotlarning meхnat jamoalarida tushuntirish, tarqibot ishlarini olib borilishini taъminlaydi;

obyekt va mulklarni kuriklashni taъminlashda jamoatchilik va ommauiy axborot vositalari bilan hamkorlikning shakl va uslublarini takomillashtiradi;

kuriklash xizmati bulinmalari faoliyati natijalari haqidaги maълumotlarni aholi etiboriga uz vaqtiда etkazish borasida kompleks choralar kuradi;

ж) kuriklash xizmati bulinmalarining moлияuiy-xujjalik faoliyatini tashkil etish soxasida:

kuriklash xizmati bulinmalarining buxgalteriya xisoboti, moлияuiy-xujjalik faoliyati taхliliни juritadi, yigma statistik va umumlashtirilgan buxgalteriya xisobotlarini tuзadi va belgilangan muddatlarda tegishli idoralarga taқdim etadi, kuriklash xizmati bulinmalarining daromadlar va harajatlar сметasini rejalashtiradi, tasdiqlaydi;

shartnomalar tuзadi, konun хужжатlarida belgilangan tartibда харидlarni amalga oshiradi va uz bulinmalarini tovar-moddiy бойliklar, зарур mol-mulk va vositalar bilan taъminlaydi;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларига дебитор қарздорликни ундириш бўйича амалий ёрдам кўрсатади ва уларнинг фаолиятини назорат қилади;

меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш шартлари, имтиёзлар, ойлик пул маошлари, қўшимча маошлар, тариф ставкалари, оддий ва бошлиқлар таркибига ҳамда қўриқлаш хизмати бўлинмалари ишчи-хизматчиларига ҳақ тўлашнинг бошқа шартлари тўғрисида Миллий гвардия раҳбариятига таклифлар киритади;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларида ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг ҳолатини, пул маблағлари ва моддий бойликларнинг сарфланиши ва сақланишини, иқтисод тартибига риоя этилишини назорат қилади, фойдаланилмаётган товар-моддий бойликларни белгиланган тартибда қайта тақсимлаш чораларини кўради;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда шахсий таркибга форма кийим-кечаги ва бошқа зарур бўлган моддий-техник ресурслар бўйича талабномаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

моддий-техника воситалари (*қурол-яроғлар, транспорт воситалари, ёқилги-мойлаш материаллари, маҳсул воситалар, ташкилий техника, радиостанциялар, алоқа воситалари ва шахсий ҳимоя воситалари*) тегишлилик табелини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек, уларнинг ҳисобини амалга оширади ва оқилона фойдаланилишини назорат қилади;

қўриқлаш бошқармалари тасарруфидаги бино, иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини ташкил этади ҳамда назорат қилади;

з) *қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг ташкилий-штат ва кадрлар ишларини амалга ошириш соҳасида:*

қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг тузилмалари ва штатларини ишлаб чиқади, штатлар сонини киритиш (қисқартириш) ва қўриқлаш хизмати бўлинмаларини қайта ташкил этиш тўғрисида буйруқлар лойиҳаларини тайёрлайди, штат интизомига риоя этилишини назорат қилади;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганеди ва аниқлайди, белгиланган тартибда Миллий гвардиянинг ихтисослашган ўқув муассасалари базаларида ходимларни бошланғич тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади ва шу мақсадда заруратга кўра хорижий давлатларга юборади;

хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, ҳарбийлашган қўриқлаш ва қоровуллик, муҳандис-техник бўлинмалари учун кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида демократик асосларни ривожлантириш, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

Миллий гвардия бўлинмаларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом, ушбу Низом ва лавозимлар номенклатурасига асосан ўрнатилган тартибда кадрларни танлаш, танлов асосида қабул қилиш, тайинлаш, жой-жойига қўйиш, ротация қилиш, эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ва хизматдан бўшатиш, аттестациядан ўтказиш, таътилар бериш ва бошқа ваколатларни амалга оширади;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларининг маънавий-руҳий ҳолати устидан доимий мониторинг олиб боради, уларни ўқитиш, тарбиялаш ва шахсий таркиб ўртасида фавқулодда ҳодисаларнинг рўй беришининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хизмат вазифаларини бажариш вақтида вафот этган ходимларнинг оила аъзоларига ижтимоий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатади;

кўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий билимларини ошириш мақсадида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этади ҳамда улар томонидан Миллий гвардиянинг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилади;

шахсий таркибнинг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, маънавий-психологик соғломлаштириш, руҳий барқарорлигини шакллантириш борасидаги ишларни ташкил этади ва амалга оширади.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Бош бошқарма ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

14. Ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда Бош бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат томонидан мажбурий кўриқланиши лозим бўлган объектлар рўйхати ҳамда идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлашни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Миллий гвардия бўлинмалари ва идоравий кўриқлаш томонидан кўриқланадиган объектлар рўйхатларини ишлаб чиқиш;

объектларни сигнализация воситалари билан жиҳозлаш бўйича монтаж-созлаш ишлари, кўриқлаш техник воситалари тадқиқоти ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган шўъба корхоналарни ташкил қилиш ҳамда кўриқлаш бўлинмаларига техник хизматлар кўрсатадиган, техник ускуналар, воситалар, товарлар ишлаб чиқараётган мулкдорларга бошқа хизматлар кўрсатиш;

белгиланган тартибда кўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш сигнализацияси аппаратлари, бошқа техник воситалар ва материалларни сотиш;

кўриқлаш фаолияти соҳасида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот ва бошқа материалларни бошқа вазирлик ва идоралардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

тегишли вазирлик ва идораларнинг махсус таълим муассасалари маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

комиссиялар, кенгашлар ва бошқа маслаҳат органларини, шу жумладан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тегишли тузилмалари вакиллари иштирокида ташкил этиш;

буллетень, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, конференциялар материалларини нашр этиш орқали кўриқлаш фаолияти масалаларига доир ахборотни тақдим этиш.

15. Бош бошқарма қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари фаолияти бўйича зарур маълумотларни тайёрлаш ва Миллий гвардия раҳбариятига тақдим этиш.

Бош бошқарма амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

16. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш

17. Бош бошқармани Миллий гвардия қўмондони тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Миллий гвардия қўмондони ўринбосари – Бош бошқарма бошлиғи (кейинги ўринларда Бош бошқарма бошлиғи деб аталади) бошқаради.

Бош бошқарма бошлиғининг Миллий гвардия қўмондони томонидан Бош бошқарма бошлиғи тавсиясига биноан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлади.

18. Бош бошқарма бошлиғи:

Бош бошқарма ишларини ташкил этади ва қўриқлаш фаолиятини самарали ва сифатли амалга ошириш учун шахсан жавоб беради;

Бош бошқарма ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича республика давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларда Миллий гвардия номидан вакиллик қилади;

ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг юклатилган хизмат йўналишлари бўйича бажариладиган ишлар учун шахсий жавобгарлигини белгилайди;

тинчлик ва фавқулодда ҳолат даври, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзасидан махсус режалаштириш ва ҳарбий сафарбарлик масалаларини ташкил этади ва назоратини амалга оширади;

тасдиқланган смета доирасида пул маблағлари сарфланишини бошқаради, белгиланган тартибда банкларда ва уларнинг филиалларида жорий ва бошқа ҳисобрақамлари очади;

камомаддан, растратадан, ўғирликдан кўрилган ва суд томонидан ундириб олиш рад этилган зарарларни, қайтариб олишнинг иложи йўқ деб ҳисобланган бошқа қарзларни, аниқ айбдорларни аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолатларда бойликларнинг меъёрдан ортиқча миқдорда табиий бузилиши туфайли кўрилган зарар ва йўқотишлар туфайли етишмаган бойликларни, шунингдек асосий фондлар ҳисобида бўлган маънавий эскирган ва келгусида фойдаланишга яроқсиз асбоб-ускуналарни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқаришни амалга оширади;

ишлаб чиқиладиган қўриқлаш сигнализацияси асбоб-ускуналари, техник қўриқлаш марказ (пункт)лари қурилишининг намунавий лойиҳалари техник

шартларини келишади, техник топшириқларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

қўриқлаш хизмати бўлинмаларининг фаолиятининг барча масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади, камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўради, киритилган таклифларни амалга оширади, ушбу ишлар ташкил этилишини назорат қилади;

шахсий таркибни танлаш, танлов асосида саралаш, жой-жойига қуйиш, ўқитиш ва тарбиялаш бўйича ишларни ташкил этади, Бош бошқармада ва унинг жойлардаги бўлинмаларида штат-молия интизомига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

Бош бошқарма ва унинг саф бўлинмалари хизматига номзодларни танлов асосида саралаб олиш бўйича комиссияни ўрнатилган тартибда тузади;

ҳарбийлаштирилган қўриқлаш, қоровуллик бўлинмалари штатларини киритиш (қисқартириш) ва қайта ташкил этиш бўйича буйруқлар чиқаради, ишчи ва хизматчилар, хусусан “Qo‘riqlash Servis” давлат унитар корxonаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари штатларини тасдиқлайди ва ўзгартиришлар, қўшимчалар киритади;

қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларини белгиланган тартибда рағбатлантиради ва интизомий жазога тортади;

лавозимлар номенклатурасига мувофиқ қўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиши;

ўз ваколати доирасида қўриқлаш хизмати бўлинмаларида йўл қўйилган қонун, хизмат ва меҳнат интизоми бузилиши ҳолатлари бўйича хизмат текшируви ўтказишни тайинлайди;

Бош бошқарма ходимларини белгиланган тартибда хизмат сафарларига юборади;

сафдорлар таркиби ходимларини хизматга қабул қилади;

сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркиби ходимларининг хизматни ўташ чегара ёши муддатини узайтиради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Бош бошқарма ваколатига тегишли бўлган бошқа ваколатларни амалга оширади.

19. Бош бошқарма бошлиғи:

а) қуйидагиларни тасдиқлайди:

Бош бошқарма бошқармалари, бўлимлари (бўлинмалари), Алоҳида батальони, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар қўриқлаш бошқармаларининг низомлари, функционал мажбуриятларини;

Бош бошқарма бошқармалари, бўлимлари (бўлинмалари), Алоҳида батальоннинг иш режаларини;

“Qo‘riqlash Servis” давлат унитар корxonаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкилий тузилмаси ва штатларини.

б) Миллий гвардия қўмондонига қуйидагилар бўйича таклифлар ва тақдимномалар киритади:

қўриқлаш хизмати бўлинмалари ташкилий тузилмаси ва штатларини ўзгартириш;

Бош бошқарма бошлиғи ўринбосарлари, бошқарма, бўлим (бўлинма) бошлиқлари, бўлим бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон

Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кўриқлаш бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, Алоҳида батальон командирларини, ўз хавфсизлиги хизмати ва назорат-тафтиш бўлими раҳбарлари ва ходимларини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;

Бош бошқарма ва кўриқлаш хизмати бўлинмалари офицерлар таркибига биринчи ва “подполковник”, “полковник” махсус унвонлари бериш;

Бош бошқарма ва кўриқлаш хизмати бўлинмаларида хизмат қилаётган “полковник” унвонидаги ходимларни хизматдан бўшатиш;

кўриқлаш хизмати бўлинмалари ходимларини давлат мукофотига тавсия этиш ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш;

в) куйидаги махсус унвон ва мутахассислик тоифаларини беради:

Бош бошқарма ва кўриқлаш хизмати бўлинмалари сафдор ва сержантлар таркибига – махсус унвонлар, шунингдек, янгидан хизматга қабул қилинаётган, офицерлик лавозимига тайинланаётган ходимларга “катта сержант” махсус унвони;

Бош бошқарма ва кўриқлаш хизмати бўлинмалари офицерлар таркибига “майор” унвонигача бўлган, ушбу унвон ҳам кўшилган ҳолда, махсус унвонлар;

Бош бошқарма ва Алоҳида батальон шахсий таркибига, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кўриқлаш бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарларига, Алоҳида батальон командирига ва ходимларига “учинчи тоифали мутахассис”, “иккинчи тоифали мутахассис”, “биринчи тоифали мутахассис” ва “уста” мутахассислик тоифаларини.

г) куйидагиларни лавозимга тайинлайди, лавозимдан озод этади, ихтиёрига олади ва хизматдан бўшатади:

Бош бошқарма, Алоҳида батальоннинг сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркибини, ишчи ва хизматчиларини;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кўриқлаш бошқармалари бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, бўлинма бошлиқлари, ҳарбий сафарбарлик гуруҳи мутахассисларини, батальонлар командирларининг ўринбосарларини, Алоҳида отряд командирлари ва уларнинг ўринбосарларини;

“Qo‘riqlash Servis” давлат унитар корхонаси директори ва унинг ўринбосарларини;

20. Бош бошқарма бошлиғи бўлмаганда, унинг ваколатларини Миллий гвардия кўмондонининг буйруғига асосан Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосарларидан бири амалга оширади.

21. Бош бошқарма бошлиғи ҳузурида хизмат ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантириш истиқболининг муҳим масалалари, сигнализациянинг арзон ва ишончли воситаларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича қарорлар ишлаб чиқиш мақсадида кўриқлаш хизматини такомиллаштириш бўйича маслаҳат Кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) тузилади.

22. Кенгаш таркиби Бош бошқарма ва кўриқлаш хизмати бўлинмаларининг 7-9 нафар тажрибали ходимлари ҳамда тегишли соҳада илмий салоҳиятга эга бўлган олимлардан иборат бўлади.

23. Кенгашнинг таркиби, коидага кўра, бир йилда бир марта Бош бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади. Бош бошқарма бошлиғи лавозимига кўра кенгаш раиси ҳисобланади.

24. Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:
- хизмат ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантириш истиқболининг муҳим масалалари юзасидан тавсиялар тайёрлаш;
 - объектларни ҳимоялашнинг замонавий интеллектуал ва интеграллашган тизимларини ишлаб чиқиш;
 - сигнализациянинг арзон ва ишончли воситаларини ривожлантириш ва жорий этиш йўналишларини белгилаш;
 - қўриқлаш хизматининг ҳудудий бўлинмаларига методик ёрдам кўрсатиш;
 - мулкни қўриқлаш бўйича хизмат турларини кенгайтириш, шу жумладан транспорт воситалари ва бошқа ҳаракатланувчи объектларни қўриқловга олиш имкониятини берувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш юзасидан таклифлар киритиш;
 - қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этишга тааллуқли бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш.
25. Кенгаш ўз мажлисларини заруратга кўра, бироқ ҳар чоракда камида бир марта ўтказди.
26. Кенгаш мажлисида кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига кўра, унга давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.
27. Кенгаш қарори тавсия хусусиятга эга бўлиб, кенгашнинг мажлисида қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш борасида ушбу Низомда назарда тутилмаган масалалар қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.
29. Бош бошқарма хўжалик юритишда (оператив бошқарувда) ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради, мажбуриятларни бажариш юзасидан судда даъвогар ва жавобгар бўлади.
30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 3 июлдаги 555-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 23 июндаги 421-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ–2340-сон қарори)” 2017 йил 13 ноябрдаги 907-сон қарорига 1-илованинг 8-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарорига 2-илованинг 8-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 мартдаги ПФ–5379-сон Фармони)” 2018 йил 29 майдаги 396-сон қарорига илованинг 90-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида” 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-458-сон ва “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ-471-сон қонунлари)” 2018 йил 20 сентябрдаги 748-сон қарорига илованинг 44-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 15 январдаги 34-сон қарорига илованинг 6-банди.

